



2013 у.р. "24" Октябрь № 1136-10 Самарқанд т-р Самарқанд

Тумандаги "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини "Хожа Ахрори Вали" маҳалласида яшовчи фуқаро Очилов Файзуллога тегишли уй-жойининг бир қисмини нотураар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини "Хожа Ахрори Вали" маҳалласида яшовчи фуқаро Очилов Файзулло туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2012 йил 5 июндаги 655-Қ сонли қарорига асосан унга тегишли бўлган уй жойининг А1-литерида жойлашган гараж ва ошхонани нотураар-жой тоифага савдо дўконига айлантириб беришни сўраган.

Фуқаро Ф.Очиловга тегишли уй-жойига ер тузиш ва кучмас мулк кадастр хизмати Давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатлари ва хулосаси, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг хулосаси, оила аъзоларининг розилик хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Уй-жой кодекси"нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низомининг 46-моддасига асосан,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини "Хожа Ахрори Вали" маҳалласида яшовчи фуқаро Очилов Файзуллога тегишли умумий 454,87 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойининг бир қисми (А1-литерда жойлашган 1 та гараж ва 1 та ошхона умумий 43,56 м.кв. майдони)ни савдо дўкони сифатида фойдаланиши учун нотураар жой тоифага ўтказилсин.
2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман "Ермулккадастр" давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман бош архитекори (Ф.Мардонқулов)га туман давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги "Улуғбек" қишлоқ фуқаролар йиғини (Н.Садуллаев)ларга фуқаро Ф.Очиловга тегишли уй-жойини бир қисмини (савдо дўкони)га айлантириши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.
3. Фуқаро Очилов Файзулло зиммасига: а) савдо дўконининг ташқи кўринишини лойиҳа асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномани олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш вазифаси топширилсин.
4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.С.Садуллаев